Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
20 ИЮНЬ, 1969 Й
ЖУМА
№ 144 (908).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Шу йил 26 июлда ленинча ихтирочилик ва рационализаторлик декретининг эълон қилинганига 50 йил тўлади. Шаҳримиз корхоналари ихтирочи ва рационализаторлари бу шонли санани янгиликлар яратиш, халқ хўжалигига кўплаб фойда келтириш билан кутиб олмоқдалар.

Бугун Республика енгил саноати министрлиги «Ташигрушка» фабрикаси янгилик яратувчилари ўз ихтироларини Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этишди. Кўргазма залларида А. М. Богуславский, И. И. Савченко ва Н. П. Ушамирский сингари ихтирочиларнинг этикеткани махсус станокда босиш, пластмасса ва полиэтилен ўйинчоқларини шнек-пресслаш станогида ишлаш каби самарали янгиликларини кўриш мумкин.

Фабриканинг 40 кишидан иборат ихтирочи ва рационализаторлари ҳозиргача 17 таклифни ишлаб чиқаришга жорий қилишиб, 72,2 минг сўмни иқтисод қилишди. Бу уларнинг шонли санага муносиб армуғонидир.

ТОШКЕНТДА ШОДИЁНА КУТИБ ОЛИШ

Ўзбекистон пойтахти 19 июнда коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада тамом бўлган халқаро Кенгаши қатнашчиларидан бир группасини шодиёна кутиб олди.

Швейцария Меҳнат партияси делегацияси республиканинг ҳаёти билан танишмоқ учун келди. Делегация составида партия Марказий Комитети раҳбар комитетининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Яков Лехляйтер ва партия Марказий Комитети раҳбар комитетининг аъзоси ўртоқ Франц Дюбилар бор.

Жазоир социалистик Авангард партияси Марказий раҳбарлигининг аъзолари Анри Аллег, Маҳжуб Бин Носир ва Али Бушажжи ўртоқлар, шунингдек Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳамда партия Марказий органи — «Юманите» газетасининг Кенгаш вақтида Франция Коммунистик партияси делегациясининг экспертлари бўлган масъул ходимлари Эли Миньо, Жорж Фурниаль, Ив Моро, Жан-Эмиль Видаль, Жанина Жоно ўртоқлар Ўзбекистоннинг меҳмонлари бўлишди.

Тошкент аэродромида чет эл партиялари вакилларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Р. К. Шонеъматов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Бобожонова ўртоқлар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари кутиб олишди. (ЎзТАГ).

ЛЕНИН ШАҲРИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

КЎЧАСИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғлари хизматчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Ана шу кунлари улар ҳамшаҳарларимиз хизматида бўлиб, уларга кинофильмлар, концертлар кўрсатадилар. Шахмат клубида эса шахмат ишқибозлари кескин «жанг» қилишади. Очиқ эстрадада эса қизлар ўз вақтларини мароқли ўтказишади. Боғда ўйин-кулги, рақс авжига чиқади.

Пойтахтимиздаги Тельман номли истироҳат боғида ўтказилаётган бундай мароқли тадбирларнинг ҳаммасини санаб саноғига етолмайсан киши. Ўтган якшанба куни бу ерда жуда бир қизиқарли тадбир ўтказилди. Боғда пойтахтимиздаги Ленин кўчаси билан Ульяновск кўчаси аҳолисининг учрашуви, байрами бўлиб ўтди. Бу ерда жуда қизиқарли ва мароқли суҳбатлар бўлди. Бу суҳбатлар ҳар бир тошкентликнинг диққатини ўзига тортади. Чунки ҳар бир тошкентлик Ленин районини, Ленин кўчасининг 1970 йилдаги жамоли қандай бўлиши билан жуда қизиқади.

— Мен Сирдарё областида яшайман, — дейди истеъфодаги майор, маданият бўлимининг мудири С. Убайдуллаев. Лекин шундай бўлсада, Тошкент шаҳрини ва унинг қачоплардир мен истиқомат қилган Ленин кўчасини жуда-жуда севаман. Эндиликда эса ана шу кўча таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. У ўзининг иккинчи ёшлигини бошидан кечиряпти. Дарҳақиқат, шундай! Келинг, яхшиси ана шу кўча бўйлаб хаёлан экскурсия қилайлик.

Туркман бозоридан бошлаб, украинлик қардошларимиз бунёд этган янги микрорайонлар, сервиқор иморатлар жуда катта майдонни ўз ичига олган. Бу майдон 100 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари, магазинлар, қаҳвахоналар, болалар боғчаларини ўз бағрига олади. Яқинда бу ерда иттифоқимизда энг йирик 2600 ўринли мактаб фойдаланишга топширилади. Бу мактаб биносини украин рассомлари безаганлар.

Тошкентда бунёд этилаётган В. И. Ленин мажмуаси музейи филиалининг қурилиши жадаллик билан боряпти. Туну-кун бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар XX асрнинг ноёб иншоотини бунёд этмоқдалар. 19 қаватли маъмурий бино ҳам шаҳримиз жамолини янада очиб юборади. Бундан ташқари, бу ерда бассейнлар, фонтанлар бўлади, алвонранг гуллар очилиб ётади. Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз марказида бўлаётган ўзгаришларни санаб охиригача етиб бўлмайди.

Пионерлар саройини ким билмайди дейсиз. Ўзбекистон пойтахтининг юзлаб кичкинтойдари ҳар куни ана шу саройга келадилар. Яқин келажакда эса бу сарой болаларнинг ижодий музейига айланади. Тошкентлик кичкинтойларнинг пионерлар саройи Навоий кўчасида қад кўтаради.

Истироҳат боғида Ленин районини ва кўчасининг келажаги ҳақида анчагина гаплар бўлди.

Сергей Федорович Чеботарев 33 йилдирки давлат конструкторлик технология бюроси ҳузуридаги Ильич номли тажриба механика заводида меҳнат қилиб келмоқда. У келаси йили ярим асрлик юбилейи нишонланадиган корхонаси тўғрисида гапириб берди. Ю. И. Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар икки кўча ҳақида: шаҳримиз тўғрисида, Ленин номидаги хиёбоннинг қандай бўлиши тўғрисида, қардошларимизнинг Тошкентга кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапириб бердилар

ЯНГИ АСАРЛАРНИ ТИНГЛАШ

Бугун

композиторлар уюмда бастакорларнинг янги яратган асарларни тингланди. Бунда композиторлар В. Мейен, Шариф Рамазонов Д. Зокиров, С. Жалиллар-нинг янги яратган куй-қўшиқлари тингланиб, ижобий баҳо берилди.

◆

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Куйбишев район алоқа узели Черданцев кўчасида 172-алоқа бўлимини битказиб фойдаланишга топширди. Янги алоқа бўлими аҳолига телефон, телеграф, ва почта хизмати кўрсатади.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жихозланган, кенг ва ёруғ хоналарда хизматчилар ва аҳоли учун ҳамма қулайликлар яратилган.

◆

МАҲАЛЛАДА ЙИҒИЛИШ

Бугун

оқшомда Октябрь район-нинг «Абдулла Набиев» маҳалласида катта йиғилиш бўлиб ўтди. Маҳалла аҳолиси «Билим уйи» дан таклиф этилган тарихчи М. Аюповнинг маърузасини тингладилар. Маъруза В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди.

Шундан сўнг Охунбобоев номли маданият уйи санъаткорлари томонидан концерт қўйиб берилди. Йиғилишда СССР халқ артисткаси Лутфихоним Саримсоқова ва артистка О. Фаёзовалар ҳам иштирок этдилар.



Тошкентдаги Урта Осиё савдо-тармоқларини лойиҳалаш институтининг бир группа лойиҳачилари Муқимий кўчасида қурилаётган икки қаватли сабзавот ва мева маҳсулотлари магазини лойиҳасини тайёрлади.

СУРАТДА: магазин лойиҳасининг бош архитектори А. Фрейтаг ва конструктор В. Грачев лойиҳа устида ишлаётирлар.

М. Нуриддинов фотоси.

САМАРАДОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Фрунзе район партия комитети ва жамоатчилик асосида ишлайдиган район иқтисодий анализдан бюроси иқтисодчилар, бухгалтерлар ва планлаштириш ходимларининг район семинар-кенгашини ўтказди. Йиғилиш ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича усулининг самарадорлигига бағишланди. Ҳозир райондаги 34 та саноат корхонасининг 19 таси ишлаб чиқаришни янгича усулда бошқармоқда.

Семинар - кенгашда тўқимачилик комбинатининг бош экономисти В. Ф. Волчанинова «Комбинатда ички планлаштиришни ташкил қилиш ва тўла хўжалик ҳисобида ишлашга ўтиш», «Таштекстильмаш» заводининг бош бухгалтери А. Т. Яровая «Ишлаб чиқаришда меҳнат нормасини жорий этиш ва ишлаб чиқариш сарфини ҳисобга олиш» тўғрисида гапирдилар.

Шу заводнинг бош экономисти, жамоатчилик асосида ишловчи район иқтисодий анализлар бюросининг аъзоси М. В. Нинешневнинг доклади «Корхона асосий фондларидан ва аборот фонди маблағларидан фойдаланишни яхшилаш» га бағишланди. Шунингдек, 1-пойафзал фабрикасининг бош инженери В. Д. Долгушева «Ишлаб чиқаришни янгича усулда бошқаришда рағбатлантириш фондининг ташкил топиши ва ундан фойдаланиш ҳақида» гапирди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ишлаб чиқаришнинг янгича усулига ўтган саноат корхоналарида самарадорликни янада ошириш тўғрисида тавсиянома қабул қилдилар.

ПОЙТАХТДА УЧИНЧИ

7-трестнинг 71-қурилиш бошқармаси прораби В. Н. Косарёв бошчилик қилаётган қурувчилар коллективи Шимоли-Шарқ массивида пойтахтда учинчи бунёд этилаётган трамвай-троллейбус паркига дастлабки темир йўл рельсларини ётқиза бошлашди.

Узунлиги 10,5 километр келадиган трамвай темир йўли рельси шу йилнинг 5 декабригача қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Бу ерда 700 трамвай жойлашиши мумкин. Ғайратли ишчилардан Б. Разянов, Г. Капатурина, О. Шокиров, А. Рубцов ва бошқалар ленинча меҳнат вахтасида ишлаб кунлик смена топшириқларини 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этишяпти.

Бугун трамвай - троллейбус парки қурилишининг иккинчи участкаси — троллейбус турадиган жойларни текислаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир бу ерда 3 та скрепер, 1 та бульдозер ва 4 та самосвал машиналари ишламоқда.

Келгусида троллейбус линиялари тортилиб паркка келтирилгач, юзлаб троллейбуслар бу ерда «дам» олишади.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДОҲИЙ ҲАҚИДА СУҲБАТ

Яқинда Октябрь районидаги Қаҳрамон маҳалласида жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлди. Суҳбатни шаҳар «Билим» жамиятининг лектори Г. Умаров ўтказди.

Шунингдек, маҳалла кечасида қатнашган СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова ўз ҳаёти ва фаолияти мисолида доҳий берган бахт ва шодлик нашъаси ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб берди. Мароқли суҳбатдан кейин маҳалла ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди.

◆

СТУДЕНТЛАР УЧУН

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Чорсу бекатида Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институти студентлари учун 100 ўринли хашаматли ошхона биноси қад кўтарди. 240 квадрат метр хажмдаги майдонда барпо этилаётган бу ошхонанинг умумий овқатланиш залидан ташқари озиқ-овқат ва сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхона, идиш-товоқ ювадиган ҳамда овқат масаллиқларини тайёрлаб берадиган алоҳида хоналар мавжуд.

Замонавий архитектура услубида темир-бетондан тиклаётган бу ойнаванд ошхона биносининг қурилишини Октябрь район ошхоналар трестига қарашли қурилиш бўлимининг прораби. Д. Дмитриадис участкасидаги Фаттох Раззоқов бошлиқ комплекс бригадаси бинокорлари олиб боряпти.

— Барча қулайликларга эга бўлган бу ошхона институт студентларининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилмоқда, — дейди район ошхоналар трести директорининг ўринбосари А. Абдужабборова. — Бунинг учун 22 минг сўм давлат маблағи ажратилди. Бинонинг асосий қурилиш ишларини шу йилнинг март ойидан бошлаган эди. Меҳнатсевар бинокорлар бинони июнь ойи охиригача батамом қуриб фойдаланишга топширишни учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бригада аъзолари ўртасида улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда муносиб армуғонлар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Бригаданинг С. Холиқов, Х. Раззоқов, Ш. Шоусмонов, Ж. Раҳмонбердиев, Т. Рўзиев каби пешқадам бунёдкорлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, кунлик нормаларини бир ярим, икки баравар етказиб бажаряптилар.

ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

«ҚИЗИЛ ТОНГ» ФИРМАСИДА

Ташаббус қанот қоқмоқда

Москвадаги М. В. Фрунзе номли ип-газлама фабрикаси коллективининг тежалган материал ва хом ашёлардан доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи кунларида маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида ташаббус бошлаганига ҳали бир ой бўлмаган бўлсада, бу ташаббус Тошкент саноат корхоналари ўртасида кенг қанот қоқмоқда.

1-пойафзал фабрикаси юбилей кунларида тежалган материаллардан 45 минг жуфт пойафзал, 3-тикувчилик фабрикаси қизларга атаб 8700 кўйлак ишлаб чиқаришга қарор қилган эди.

Уларнинг издошлари бўлган «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг коллективи ёрдамчи материаллардан ташқари, 1970 йил 22 апрелгача 17 минг метр газлама тежашга қарор қилди. Бу материаллардан 3 ярим минг эркаклар, хотин-қизлар ва болалар пальтоси тикилади.

Эркакларга куртка тикилади

Италиядан 3,5 минг метр ажойиб мато келтирилди. Унинг устки қавати жигарранг замш, орқа томони эса сарғиш сунъий мўйнадан қилинган. Чиройли ва иссиқ матонинг номи селлакорд, деб аталади.

Ҳозирча тикувчилар бундан бирон буюм тикишга қарор қилишгани йўқ. Мутахассислар бу матодан эркаклар курткаси тикиш мақсадга мувофиқ демоқдалар.

Жерси пальтолар

Пойтахтликлар чет эл жерси пальтолари харид қилар эдилар. Эндиликда фирмада шу йилнинг бошидан буён инглиз жерсисидан пальтолар тайёрланмоқда.

Ўтган душанба кунидан бошлаб италия жерсисидан поток усулида пальто тикишга киришилди.

Янги конструкция фойдаси

Фирма филиалларида болалар пальтосининг янги конструкцияси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Янги конструкция туфайли қўл меҳнати қисқарди, ҳар бир маҳсулотни тайёрлашда саккизтагача операция қисқарди. Ундан келган бир йиллик иқтисодий фойда эса, 88,1 минг сўмни ташкил этади.

Ярим йиллик муддатидан олдин

Фирма коллективининг ярим йиллик фаолиятига якун ясашда 1-филиалнинг коллективи биринчи бўлиб рапорт берди. Филиал ишлаб чиқариш планини муддатидан 20 кун олдин адо этди ва эртасидан корпусни ремонт қилишга киришди. Шу муносабат билан 350 чевар меҳнат отпускасига чиқди.

Филиалдан сўнг бош корхонанинг М. Гликман ва Т. Ершов бошлиқ бригадалари ана шундай рапорт бердилар.

Фирма коллективи пальто тикиш планини муддатидан бир ҳафта илгари, маҳсулот реализация қилиш планини 25 июнда бажаришга қарор қилди.

Иттифоқ санаторийларига

Ёзги меҳнат отпускалари бошланиши билан фирманинг кўпгина ишчилари Иттифоқимиздаги санаторийларга жўнаб кетдилар. Булар орасида тикувчи В. Гуляева, юк ташувчи В. Мисхор Славяногорскда, тикувчи Н. Ким Сочида, бичиқчи Е. Дуванова Трусковацда дам олмоқдалар.

Фирма касаба союз комитети йил бошидан буён 51 кишини йўлёвкалар билан санаторийларга юборди. 34 киши Совет Иттифоқи бўйлаб туристик саёҳат қилиб келди. Булардан ташқари кўпгина механизаторлар Қибрай, Троицк, Қўмишкон каби дам олиш зоналарида ҳордиқ чиқармоқдалар.

САНЪАТ КУНИ


Пойтахтимизнинг завод ва фабрикалари, муассасаларида санъат кунини ўтказиш жуда яхши анъанага айланган.

Бугун

Тошкент Давлат консерваторияси, халқ филармонияси, Навоий номли ўзбек давлат академик катта театри, Қодирий номли маданият уйи, Улуғбек, Ҳамза, Ҳамид Олимжон номли маданият уйларининг коллективлари тўқимачилар, тикувчилар, авиаторлар ва нонвойлар ҳузурида бўлишди.

Тошкент Давлат консерваториясининг халқ созандалари ансамблини Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг коллективи самимий кутиб олди. Ишчи ва хизматчилар «Ўйнаб-кулинг» деган халқ қўшиғини, композитор Сайфи Жалилнинг «Дилбарим» асарини, озорбайжонча «Севгилим» қўшиғини мириқиб эшитдилар.

Шаҳарнинг бир қатор корхоналарида ўтган санъат кунида атоқли артистлар, бастакорлар ўзларининг санъатларини намойиш этдилар.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. «Россия» меҳмонхонасининг кўриниши.

„СЕВГИ ТУМОРИ“

Бугун

Алишер Навоий номли ўзбек давлат Катта академик театрида янги балет спектаклининг сўнгги репетицияси бўлиб ўтди.

«Севги тумори» деб номланган бу саҳна асарининг куйини Давлат мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, профессор Мухтор Ашрафий ёзган.

Асарни саҳнага қўювчи СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Галия Измайлова. Декорацияларни яратувчи рассом — театрнинг бош рассоми, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати Мели Мусаев, Белоруссия ва РСФСР халқ артисти А. Андреев эса асарнинг постановкачи-режиссёри.

Б. Гаргининг «Сонни ва Маҳиябал» романи асосида яратилиб, соф севги ва инсонийлик тараннум этиладиган бу саҳна асарига ҳиндипанжоб, лўлилар рақслари киритилган. Уларни ижро этишда раққосалардан Г. Измайлова, Б. Қориева ва бошқалар қатнашадилар.

ГАЗЕТАЛАРДА ТОНГГИ

◆ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети капитал қурилишни планлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисидаги ва бинокорлик корхоналарини рағбатлантиришни кучайтириш ҳақидаги масалани қараб чиқдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни марказий газеталарда босилган.

◆ Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши ишида қатнашган делегацияларнинг бир қисми 18 июнда Москвадан жўнаб кетди. Уларни Совет Иттифоқи партия ва ҳукумати раҳбарлари кузатиб қолишди.

◆ Афғонистон қироли Муҳаммад Зоҳиршоҳ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга телеграмма юбориб, Афғонистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан табриклаганликлари учун миннатдорлик билдирди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● ГДР

Лейпциг яқинидаги Марклебергда Германия Демократик Республикасининг традицион қишлоқ хўжалик виставкаси очилди. Виставкадаги экспонатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари ва халқ хўжаликларининг муваффақиятларини, қишлоқ меҳнаткашларининг 1969 йил халқ хўжалиги планини бажариш учун, техника билан яхши таъминланган замонавий қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашини акс эттиради.

● МХР

Монголия Халқ Республикасининг 7-чақириқ Буюк халқ Хурали сайловига, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий хуралларига сайловга тайёргарлик сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати бениҳоя ўсган вазиятда ўтяпти. Бу сайловлар 22 июнь—якшанба кунига тайинланган.

Шу кунларда мамлакатнинг ҳамма қисмида сайлов олди йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилишларда депутатликка номзоди кўрсатилган кишилар сайловчилар билан учрашмоқдалар. Халқ Монголияси халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш беш йиллик планини муваффақиятли бажариш соҳасидаги вазифалар, шунингдек коммунистик ва ишчи партияларининг Москвада ўтказилаётган халқаро анжуманларини материаллари ва ҳужжатлари сайлов олди кампаниясида муҳим ўрин олади.

● РУМИНИЯ

Руминия меҳнаткашлари авиация кунини нишонладилар. Мамлакат озод қилинган пайтгача Руминияда ишлаб чиқарилган пассажир самолётларининг бирортаси ҳам Европанинг ҳаво йўлларида парвоз қилмаган эди. Эндиликда «Таром» компаниясининг пўлат қушларини қитъамизнинг пойтахтларида ва йирик шаҳарларидагина эмас, балки Гавана, Мехико, Нью-Йорк, Теҳрон, Қувайт, Қоҳирада ҳам учратиш мумкин. Маҳаллий ҳаво йўлларида 17 аэропорт йўловчиларга хизмат қилмоқда. (ТАСС).



СУРАТДА: «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармаси комплекс қурилиш бригадасининг бошлиғи Раҳим Зияев. Бу зарбдор қурувчи бошчилик қилаётган бригада бунёдкорлари ҳозир Марказ-6 да 80 квартирали уйни жадал суръатлар билан қурмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

МАРКСИЗМ ХАЗИНАСИГА ҚЎШИЛГАН БУЮК ҲИССА

Бугун В. И. Ленининг илмий коммунизм таълимотига катта ҳисса бўлиб қўшилган «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» номли асарининг босилиб чиққанига 75 йил тўлди.

В. И. Ленининг бу асари, асосан, XIX асрнинг 90-йилларидаги либерал народникларни ғоявий жиҳатдан фош этишга бағишланади. Улар ўзларини ҳақиқий «халқ дўстлари», меҳнаткашларнинг манфаатларини «ҳимоя қилувчи» кишилар деб атаб, амалда эса халқларнинг озодлиги учун курашчи бўлган социал-демократлар ва марксистларга қарши «халқ дўстлари» ниқоби остида кураш очган эдилар. Шунингдек, улар чоризмни пролетариат томонидан революцион йўл билан ағдариб ташланишига қарши чиқдилар.

XIX асрнинг 90-йиллари Россия ишчилар синфини илмий социализм байроғи остига бирлаштириш, уларни ўз революцион партиясини тузиш зарурлигини давр тақоза эта бошлаган, бунинг учун эса пролетариат ташкилий ва сон жиҳатдан етилаётган ва уюшаётган бир давр эди. Бироқ бунга марксизмнинг ғоявий душманлари бўлган либерал народниклар халақит берардилар, тўсқинлик қилардилар. Улар социалистик қайта қуришларни пролетариат орқали эмас, балки деҳқонлар орқали қилиш мумкин деб ўйлардилар. Либерал народникларнинг идеологлари социалистик революциянинг гарови бўлган ишчилар ва деҳқонларнинг революцион иттифоқи у ёқда турсин, ҳатто ишчиларнинг энг онгли, уюшган мустақил синф бўлиб етишиб келаётганини ҳам кўра олмаган эдилар.

Либерал народнкларнинг хато қарашлари ва зарарли чиқишларини биринчи бўлиб В. Г. Плеханов ва унинг маслакдошлари пайқаган эдилар. Шунинг учун ҳам либерал народникларга қарши курашдилар ва уларни фош этишга қисман ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бироқ ҳали либерал народниклар ғоявий жиҳатдан батамом фош қилинмаган эди. Айниқса, улар ўзларининг легал ҳолатда чиқадиган матбуот органи «Русское богатство» орқали марксизмга қарши жон-жаҳдлари билан курашардилар, унга бўхтонлар ёғдирардилар, рус марксистларининг қарашларини сохталаштириб кўрсатишга уринардилар. Бунинг устига ёшларнинг бир қисми тушунмасдан, кўр-кўрона уларга ҳайрихоҳлик билдирарди. Бу ҳолатдан қутилишлик учун уларни ғоявий жиҳатдан фош қилиб, шу тариқа социал-демократик ҳаракатнинг авж олиши ва марксистик назариянинг ёйилиши учун кенг йўл очиш мумкин эди. Бу вазифани В. И. Ленин ўзининг «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» номли асарини ёзиш орқали бажарди.

В. И. Ленин бу асарида марксизм тўла ва бир бутун материалистик дунёқараш, пролетариатнинг народниклар ва марксизмнинг бошқа душманларига қарши курашда назарий қурол бўлишини кўрсатиб берди. В. И. Ленин ўз китобида 90-йиллардаги народниклар чоризмга қарши курашчи кучларнинг самодержавие олдида маддоҳлик қилувчи народникларга айланганликларини кўрсатади. Улар ўзларининг субъектив ғайри илмий идеологияси билан тарихий процесс ва революциянинг ҳаракатлантирувчи кучларига хато қарашларини исбот қилиб беради, уларнинг жамият тараққиёти тўғрисидаги илмга зид идеалистик қарашларини очиб ташлайди. Улар жамият тараққиёти объектив конунларини тушунмасликлари сабабли, Россия озодлик ҳаракати тарихида асосий ролни машҳур «субъектлар», қаҳрамонлар, «танқидий фикр қилувчи», «маънавий жиҳатдан камолатга етган» шахслар ўйнайди, деб ўйлаганлар. Халқ уларнинг таъбири билан айтганда, «аломон» бўлиб, тарих яратувчи «қаҳрамонлар»нинг кетидан эргашиб бориши керак. Бу назария амалда оммани пассивликка, бош кўтариб чиқмасликка маҳкум этарди, ўз навбатида чоризмга қарши революцион курашга путур етказарди.

В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг тарихни материалистик тушуниш назариясига асосланиб, либерал народникларнинг зарарли, субъектив идеалистик қарашларини танқид қилади. Биринчи навбатда у жамият тараққиёти кишиларнинг онги ва ирродисига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонунлар асосида содир бўлишини исбот қилиб беради.

В. И. Ленин народникларга қарши курашда Россиянинг конкрет тарихий ва иқтисодий шарт-шароитига асосланади ва капиталистик тузумни йўқ қилишнинг фақат пролетариат чор самодержавиесини ағдариб ташлаш керак, дейди. Чор самодержавиесига қарши курашда эса ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революцион иттифоқи зарурлиги тўғрисидаги идеяни биринчи уларок илгари суради. У, бу ғоянн кейинчалик бутун умри давомида ҳимоя қилиб, ривожлантириб ва янги қондалар билан бойитиб борди.

В. И. Ленин ўша йилларда Россияда иш тутаётган тарқоқ марксистик тўгаракларни бирлаштириб ягона марксистик партия тузиш ғоясини илгари суради ва бу ишга ўзи астойдил бел боғлаб, ўзининг бутун ташкилотчилик қобилиятини, снёсий генийсини бағишлайди. Шунинг учун ҳам ўз асарида ишчилар синфининг илғор вакилларини Россия социал-демократик ишчи партиясини тузишга чақиради.

В. И. Ленин бу китобида Россия ишчилар синфи илғор революцион куч снёсий жиҳатдан етук ҳамда социалистик революциянинг гегемони бўлиб етишиб келаётганини назарий томондан исбот қилиб беради.

Асар рус пролетариатининг буюк тарихий миссияни амалга оширишга қобиллиги, буюк коммунистик революциянинг галабасига бўлган ишонч ҳақидаги оташин чақириқ билан тугалланади: «Социал-демократлар бутун диққатларини ишчилар синфигагина қаратадилар ва бутун ишларни шулар орасида олиб борадилар. Ишчилар синфининг илғор намоёндалари илмий социализм ғояларини, рус ишчисининг тарихий роли тўғрисидаги ғояни англаб олсалар. бу ғоялар кенг ёйилиб, ишчилар орасида ишчиларнинг ҳозирги тарқоқ ҳолда бораётган иқтисодий курашларини онгли суратда олиб бориладиган синфий курашга айлантирувчи мустаҳкам ташкилотлар пайдо бўлса, ўша вақтда рус ишчиси барча демократик табақаларга бош бўлиб, кўтарилиб чиқади, абсолютизмни ағдариб ташлайди ва рус пролетариатини (барча мамлакатларнинг пролетариатлари билан ёнма-ён турнб) очиқ снёсий курашнинг тўғри йўлидан бошлаб туриб, тўла галаба билан тугалланадиган коммунистик революцияга элтади».

В. И. Ленининг рус ишчисининг куч-гайрати, матонати ва коммунистик революция қилишга қобил эканлиги ҳақидаги бу илмий башорати 1917 йилнинг октябрида амалга ошди. В. И. Ленин ва большевиклар партияси бошчилигидаги рус ишчилар синфи эксплуатация ва зулм тахтн бўлган буржуа тузумини ағдариб ташлаб, дунёда биринчи ишчи-деҳқонлар социалистик давлатини туздилар. Шундан бери совет халқи Ленин туғган Коммунистик партия раҳбарлигида социалистик қурилиш соҳасида жуда катта-катта ютуқларни қўлга киритди ва киритмоқда. Эндиликда мамлакатимизда социализм тўла ва узил-кесил галаба қозонди. Социализм эса бир давлат рамкасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди.

В.И. Ленининг биринчи ва йирик назарий мероси бўлган «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» асари ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Балки марксизм-ленинизмни ревизия қилишга интилувчилар ,ўмуман ревизионистлар, догматикларга нисбатан ғоявий қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

Ю. РАЖАБОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси.

КАСБ УСТАСИ НОМИНИ ОЛДИЛАР

Бугун

«Ташсельмаш» заводининг фабрика завод комитети токарь Б. Белов, фрезерчи Х. Куликов, ўймакор А. Локтевой, прессчи И. Сосновский ва электромонтер Ф. Костриковларга ўз касбининг устаси, деган номни беришга қарор қилди. Бу илғор ишчилар «Ташсельмаш» заводида ўз касбининг устаси номини олиш учун бошланган мусобақада ғолиб чиқдилар.

Давом этаётган мусобақада ишчи кадрлардан ташқари, ёшлар ҳам иштирок этмоқдалар. Улар ўз касблари бўйича якка тартибда меҳнат ветеранларига имтиҳон топширадилар.

Ишчиларнинг ўз касблари бўйича энг яхши деган номни олиш учун мусобақалар ўтказиш тўқимачилик комбинатида, Ленин номли электротехника, «Узбексельмаш» заводи ва шаҳардаги кўпгина корхоналарда одат тусига айланмоқда.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЛАБАСИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 1-қурилиш механизацияси трести партия комитетининг секретари Алексей Кузьмич Поздняков қуйидагиларни хабар қилди:

— Трестга қарашли 1-механизация бошқармасининг коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб яхши натижаларга эришмоқда. Бошқарма коллективи қурилиш монтаж ишлари ярим йиллик планини муддатидан ўн беш кун илгари бажарди.

Муваффақиятларни қўлга киритишда Владимир Нестеров, Владимир Столба, Иван Васильевич Петр Кригер сингари механизаторлар катта ҳисса қўшдилар. Коллектив йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашни давом эттирмоқда.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

СЕРГЕЛИДА «Главташкентстрой» учун махсус база қурилмоқда. У ерда 3-трестнинг 57-бошқармасига қарашли Петр Цалко бошлиқ комплеекс бригада аъзолари ишларни муддатидан олдин ниҳоясига етказиш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Ҳозир коллектив инерт тўлдиргичлар омбори, битум сақлаш ва бошқа хоналар қурилишини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар. Бригада барча ишларни сифатли бажармоқда.

Беш йиллик илҳомлари

САРКОР

ХАМИД Одиловни трестда танимайдиган одам кам. У пешқадам участка бошқарувчиси ёки ишни кўзини билган прораблиги учун эмас, балки одамийлиги, ғайрати ва билимдонлиги учун 159-трестда ҳамма унинг номини қурмат билан тилга олади.

Ҳа, Ҳамид ака ишлаётган 30-қурилиш бошқармаси коллективи шаҳримизда озмунча аҳолини турар жой биноси билан таъминламади. Луначарский шоссесидаги бир юз ўттиз квартирали уйда истиқомат қилаётган кишилар билан гаплашиб қолсангиз, ҳамма қурувчилар ишидан мамнунлигини айтади. Демак, бу уйни пойдеворидан тортиб, пардозигача қўлдан чиқарган Ҳамид ака коллективи ишидан барча миннатдор экан.

Ҳамид Одилов эсини танигандан буён меҳнатда чиниқди. Ёшлигида отасидан жудо бўлди. Тенгдошлари саёҳат қилиб, турли ўйинлар билан машғул бўлганда, Ҳамид уйда хўжалик ишлари билан машғул бўлди, онасига ёрдам берди. Чунки у оилада тўнғич ўғил эди. Уруш бошланганда саккизинчи синф маълумотига эга бўлган Ҳамид анча иш стажига ҳам эга эди. Оғир уруш йиллари ўқишни ташлади, онасига ёрдам бериш учун колхозга кириб ишлади. Аммо қаерда ишламасин, ўқиш, билим олиш ҳаваси уни тарк этмади..

Ҳамид қурилишга кирди, гишт терувчилик касбини ўрганди. Дўсти ва устози Михаил Иванович Лапиннинг маслаҳати билан Олмалиққа йўл олди.

«Шаҳар қурилиши чодирдан бошланади» дейишарди. «Алмаликсвинецстрой» ишчилари. Бундай ҳаёт Ҳамидга ҳам ёқиб қолди. Иш кўп ва оғир эди. Шунга қарамай бу ерда Ҳамидга ўз касбининг сирларини ўргатадиган мутахассис.лар ҳам кўп топиларди. Ҳамид тез орада бригада бошлиғи бўлиб қолди. Бошда у коллективни бошқаришга иккиланди, тажрибасизлигидан қўрқди. Кейинчалик..

Қурилишда ҳар хил кишилар топилади. Бироз каттароқ пул ишлаб бойлик орттирганн келади. Ҳамиднинг бригадасида ҳам Михаил Б- исмли шундай шахс бор эди. Қачон қараманг унинг бироз қисиқ кўзлари ,ҳамиша жовдираб турарди. Кўрининши пулга ўчлигидан далолат бериб турарди.

— Демак, сен бошлиқ экансан-да? Айтиб қўяй, шу пайтгача ҳеч ким менга буюрмаган, бундан кейин ҳам шундоғ бўладн, — чўрт кесди Михаил.

— Сенга буюрмоқчи эмасман, — жавоб берди Ҳамид. — интизом билан нормага келганда, мен ҳам талаб қиламан, йигитлар ҳам.

— Саломат бўлсак кўрамиз. — янги келган йигит, лабини буриштириб ўрнидан туриб кетди.

Михаил бригадада ўз маслакдошларини топишга ҳаракат қилди, қўл учида ишлади. Унга ҳеч қандай суҳбат таъсир қилмасди. Сўнгра Ҳамид уни бригада коллективи билан тарбияламоқчи бўлди. Уни кузатишди, иккита тажрибали ишчига бириктиб қўйишди. Михаил анчагача бош эгмади, мушти билан ҳаммасини бартараф қилмоқчи бўлди. Кутилмаганда ювош бўлиб қолди. олдингидек бирор киши билан тузукроқ гаплашмаса-да, яхши ишлайдиган бўлиб қолди. Аста-секин бегоналик йўқолди. Унинг ўзи коллективга яқинлашди. Бригадир билан очиқчасига гаплашиш уларни инокдаштирди. Маълум бўлишича, Михаил ҳам ёшлигида отасидан ажралган экан. Улар иккаласи дўстлашмаса-да, ҳар ҳолда Михаил ўзгарди.

Бошқа воқеалар ҳам кўп бўлган. Ёш ишчилар коллективда ўз ўрнини бирданига тополмайди. Адай Мамутов билан Рафиқ Белалов шундайлардан эди. Иккаласи қишлоқдан келишган. Яхши ишлашса-да, одамларга эл бўлишмасди. Уларни бригадага қўниктириш учун Ҳамид кўп вақт сарфлади.

Одамлар, иш, ташвиш, қувонч... Инсон аста-секин улғаяди, вояга етади, унинг характери, одати, дунёқараши ўзгаради. Ҳар бир киши бир марта ўз инсоний хусусиятлари юзасидан имтиҳон беради. Ҳамид Одиловнинг ўзи эса Олмаликда имтиҳондан ўтди. У ерда одамлар билан ишлашни ўрганди, тажриба орттирди, билим олди, коллективни таниди.

Агар Тошкентда ўз умр йўлдошини топмаганда эҳтимол Ҳамид Одилов Олмаликда қолиб кетарди. Улар ўз тақдирларини бирлаштиришди.


Тошкентда Ҳамид ўз ҳаётининг янги саҳифаларини ёзди. Мана ўн йилдирки, шаҳримиздаги пешқадам қурилиш бошқармаларининг бирида прораб бўлиб ишламоқда, турар жой биноларини қурмоқда.

Одилов ҳамиша иш билан банд, қачон қараманг қаёққадир шошилаётганга ўхшайди. У ўз участкасидаги ҳар бир иш процесси тўғрисида жон куйдириб ҳикоя қилади. Қурувчи дўстлари, ғайратли кишилар тўғрисида мароқ билан гапиради. Пешқадамлик сабабини одамлар ғайрати ва интилишида деб билади.

— Қурувчи хотирасига келганда, ҳаммамизнинг эслаб-асрайдиган ишларимиз бор, — дейди прораб. — Зилзладан кейин Бешқайрағоч массивида турар жой биноларини қурдик. Ҳозир сентябрь ойида ўқувчиларга янги мактаб эшикларини очиш учун мактаб қурилишида ишларни жадаллаштириб юбордик.

Ҳамид Одилов ҳар бир гапни мисоллар билан таъкидларкан жилмайиб қўяди. Пешқадам қурувчиларнинг ҳар бири ҳақида мароқ билан гапириб, ўзи ўша коллективнинг аъзоси, фақат аъзоси эканини таъкидлайди. Прораб сифатида, қурувчи сифатида, кишилар раҳматига сазовор бўлсам бас, дейди.

Ҳ. ҲАКИМОВ.



СУРАТДА: Чилонзорда яқинда фойдалани шга топширилган янги турар жой биноси. Бу уйга 72 тошкентлик меҳнаткаш онла кўчиб кирди.

В. Ломовцев фотоси.

КИШЛОҚҚА — кўплаб машиналар

Комсомол-ёшлар ғайрати

«Ўзбексельмаш» заводи ишлаб чиқараётган турли қишлоқ хўжалик машиналари ўзбек пахтакорларининг эмас, балки Ўрта Осиё дала механизаторларининг ҳам оғирини енгил қилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмонини кўтарншда заводдаги 400 комсомол аъзосининг қилаётган меҳнатларн мақтовга лойиқ бўлянти.

— В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган комсомоллар йиғилиши б ў л и б ўтди. Комсомоллар мажлисда ана шу улуғ санани муносиб кўтиб олиш учун кунлик ва ойлик нормаларини доимо 130 процентдан кам бажармасликка, 200 тонна темир-терсак йиғиб топширишга аҳд қилишди. — дейди завод комсомол комитетининг секретари А. Худойберганов.

5-цехнинг ёш ишчилари ишдан ташқари вақтда «УПХ-1,5 Б» маркали 5 та кўрак чувиш машинаси ишлаб чиқаришга, 4-цех ёшлари 5 та «СТХ-4 А» маркали селлка ишлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Район советининг депутати пармаловчи Шаҳодат Хақназарова, П. Трафин, К. Рихсиев, Н. Конавалова, З. Эшмуҳамедова, У. Исломов каби илғор ёшлар айниқса фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Фстообъективда— жонажон Ватан





Минск автомобиль заводида «МАЗ.500» машинаси асосида «МАЗ.500-А» оғир юк кўтарадиган автомобиль модели яратилди.

СУРАТДА: Минск автомобиль заводининг бир группа конс трукторлари ва инженерлари «МАЗ.500-А» автомобилининг дастлабки намунаси ёнида.

В. Дубинин ва Ю. Иванов фотоси. (АПН).

◆—◆—◆

ЛЕНИНГРАД. Биринчи марта рус саҳнасида Академик Малий опера ва балет театрида «Бомбенуто Неллини» операси қўйилди. Унинг автори йирик француз композитори Гектор Берлиоздир.

СУРАТДА: операнинг учинчи кўриниши.

◆—◆—◆

СУРАТДА: десант ўт ўчирувчи вертолётдан янги қурилма ёрдамида тушаяпти.

АПН ва ТАСС фотолари.



ПАЗАНДА

Тангадек офтоб тушмайдиган баланд дарахтлар тагига столстуллар расамади билан қўйилган. Столларда ўтирган кишилар ўзаро суҳбатлашардн.

— Пазандалик ҳам кишидан меҳр-муҳаббат, ихлос қўйиб ишлашни талаб қилади, —деди қорачадан келган бир йигит.

— Жуда тўғри айтасан, дўстим! — Унинг гапини маъқуллади чап ёнида ўтирган шериги.— Масалан, ошхонамизда 3 пазанда ишлайди. Айниқса, Тошхон опа Муқиддинова тайёрлаган таомларни иштаҳа билан еисан.

— Айниқса. палов, манти. лағмон. норинни қойил мақом қилиб юборади-да.

Тошхон опа мактаб-интернат ошхонасида ишлайди.

Меҳнатсевар л и к, ширинсуҳанлик каби инсоний фазилатлар унга иззат келтарди. Пазанда. Т. Муқиддинова 1960 йилдан 1968 йилгача Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги Луначарск посёлкасида жойлашган мактаб-интернатда аввал ошпаз, кейинчалик эса бош пазанда бўлиб ишлайди. Фидокорона меҳнати туфайли у мактаб-интернат маъмурияти томонидан бир неча бор пул мукофоти ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланди.

Мана, икки йилдирки, 1 мактаб-интернатда фидокорона ишлаб келмоқда. Ишчан, очиқкўнгил бу ошпаз тўғрисида гап кетганда мактаб-интернатнинг ўқитувчи. гарбиячи ва ноҳонли ўқувчилари унинг номини ифтихор билан тилга олишиб «пазанда опамиз» дейишади.

К. ҲАМРОЕВ.

ТАҚРИЗ

«МАРИЯ СТЮАРТ»

Немис халқининг классик ёзувчиси Фридрих Шиллернинг «Мария Стюарт» пьесаси яқинда Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг ижодий коллективи томонидан саҳнага қўйилиши театр муҳлисларини бениҳоя мамнун этди.

«Мария Стюарт» спектаклида нарда очилиши билан ҳайбатли бутхона тепасидаги каттакон қўнғироқни даҳшатли музика садоси остида тўрт томондан хизматчилар арқонларни тортиб қўнғироқ овозини бутун Шотландия мамлакатига эшиттиришга урунадилар. Музика садоси остида баробар қадам ташлаб сарой сарбозларининг кириб келиши томошабинни жуда ҳам ҳаяжонга солади.

Бундан маълум бўладики, Шотландия мамлакати нотинч... Спектаклнинг оҳиста йўналишига қараб, ҳайбатли бутхона шоҳона саройга, шинам боғларга ва зулматли тор қафас зиндонга айланади. Мария Стюарт шотландиялик жаҳон маликаси бўлиб (бу ролни Ўзбекистон халқ артистқаси Яйра Абдуллаева ижро этган), у олижаноб, халқпарвар, ҳақиқат ва адолатни севувчи малика тарозининг бир палласида турса, иккинчи палласида британиялик ҳукон, маликаларнинг маликаси Елизавета (бу ролда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистка Маликбоева) туради. Мария образини яратган Яйра Абдуллаева, ўз қаҳрамонининг олижаноблилигини, кечаю-кундуз халқ ғамини ўйлашини, ички ҳис-туйғуларини ва барча инсоний фазилатларини ташқи ҳатти-ҳаракатлари билан томошабиннинг кўз олдига келтириб қўя олган.

«Мария Стюарт» даги яна бир мураккаб образлардан бири Британия маликаси Елизавета образидир. Бу мураккаб характерни яратган актриса Эркли Маликбоева бутун таланти ва имкониятлардан фойдаланиб, Мария образига қарама-қарши бўлган Елизавета характерини яратишда унинг маккорлиги, мансабпарастлиги, аҳлоқий бузуқлиги, бунинг устига ўз атрофидаги сарой аҳлларининг Марияга нисбатан бўҳтон ва ғиболарига ишониб, гўзал Мария Стюартни қатл қилиш учун адолатсиз ҳукмга имзо чекишигача ҳаётнй ва ишонарли чиқарган.

К. С. Станиславскийнинг таъбирича «ролнинг катта-кичиги йўқ, артистнинг катта-кичиги бўлади». Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев Британия маликаси Елизаветанинг маслаҳатчиси ролини маҳорат билан ўйнаб, кичик образ яратган бўлсада, уста актёрлигини намойиш қила олган.

Юқорида айтиб ўтилган, муваффақиятли чиққан образлар ҳам театрда яратилган севимли образлар галереясидан жой олади, деб умид қиламиз.

«Мария Стюарт» спектаклининг муваффақиятли чиқишида яна икки омилнинг роли бор.

Биринчиси Шоир Туроб Тўла бу асарни ўзбекчалаштиришда пьесанинг мантиқий, саҳнавий, жуда ҳам чуқур фалсафий маъноларини тўла-тўкис таржимада бера олгани бўлса, иккинчи томондан, парда орқасида туриб муъжиза яратаётган, томошабин кўзига мутлақо кўринмайдиган рассомлар Г. Брим ва М. Эшонхўжаевлар, композитор А. Малахов дирижёр Н. Гинзбург ва спектаклни саҳнага қўювчи режиссёр Белоруссия ССР да хизмат кўрсатган артист М. Спивак раҳбарлигида олиб борилган умумий иш услуби жуда ҳам диққатга сазовордир.

Режиссёр М. Спивак умумий саҳналар ва ижодий коллектив орқали Фридрих Шиллернинг асарига ҳозирги замон кўзи билан қараб, режиссёрлик маҳоратини намойиш қила олган ва халқимизнинг фахри бўлган отахон театримизга биринчи қадам ранжида қилаётган режиссёр ва ёш актёрларга ўрнак олса арзигулик тер тўккан.

«Мария Стюарт» спектакли отахон театримизнинг 50 йиллиги юбилейи олдидан тайёрланган муносиб совғадир.

Ишонамизки, Ф. Шиллернинг «Мария Стюарт» спектакли ҳам «Ҳамза» театрининг саҳнасидан тушмай келаётган классик асарлар қатори халқимизнинг эстетик завқига завқ қўшаверади.

М. ФАТТАҲОВ,
Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг катта ўқитувчиси.



Тошкентдаги В. И. Ленин номли электрон техника заводининг бадиий ҳаваскорлар коллективи шаҳарда халқ ансамбли номини олган етук маданий коллективлардан ҳисобланади.
СУРАТДА: завод халқ ансамблининг рақс тўгараги рус халқ рақсини ижро этмоқда.
М. Нуриддинов фотолари.



Тошкентдаги маданий-оқартув техникуми республика кутубхоналари учун етук кадрлар тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: техникумнинг II курс студентларидан Эмма Аванесова, Надежда Чигрина ва Галина Фомина амалий машғулот пайтида.

• *Шаҳримиз чиройи жилокорлари*

Гўзаллик шайдоси

Хиёбонлар оралаб юрган одамларга ҳавасингиз келади. Ана, ёши анчага бориб қолган нуроний бобо жажжигина қизчани етаклаб одимлаяпти. Ундан нарида бир гуруҳ ёшлар дарс тайёрлаб ўтиришибди. Улар ҳам шу кўкаламзорга атайлаб дафтар-китоб қўлтиқлаб келишган. Шу ерда ҳам дам олиб, ҳам дарс тайёрлаймиз деган умидда келишган. Китобларини ўқиниб, бир-бирларига сўзлаб беришмоқда.

Ана у ерда икки ёш сирли суҳбат қуриб ўтирибди. Улар қўнғилларидагини ҳудди шу кўкаламзор богда айтишаётгани ҳам бежиз эмасдир. Уларга шу боғнинг гўзаллиги ва ҳусну таровати далда бераётган бўлса ҳам ажаб эмас. Боғнинг чеккасида 3—4 одам биллиард ўйнамоқда. Ошхонага кириб нетаётганлар, чойхўрлик қилаётганлар ҳам анчагина.

Хуллас, бу богга ҳамма қўнгил очгани, дам олгани, бўш вақтини қўнгилли ўтказишга келган.

Бу ерда ҳордиқ чиқараётганлар боғни шунчалик ҳолга келтиргани, чиройга-чирой қўшаётгани, одамларнинг вақти чог бўлишини кўзлаб жон куйдираётган киши ким эканлигини ўйлашаётганмикин? Балки ўйлашаётгандир. Келинг, шу боғнинг богбони ким эканлиги билан танишайлик.

Киров номидаги маданият ва истироҳат боғининг агрономи Исоқжон Расуловдир. У юнусободлик бўлиб, асли богбоннинг ўғли. Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари ҳақ гап. Исоқжон ака бир қанча вақт отасига богдорчилик ишларида кўмаклашиб юрди.

Исоқжон Расулов ўз умрини кўкаламзорлаштириш ишларига бағишлашга аҳдулаймон қилди. Қадим губир боғи деб номланиб юрган жойга оддий ишчи бўлиб келди. Беш-ўн дарахт экиб, уни парваришлаб, гул экиб, тагини юмшатиб, барра ўт уруғини сепиб, сув қуйиб юрди.

Кейинчалик унинг гўзаллик шайдоси эканлиги, кўкаламзорлаштириш ишларига шунчалик иштиёқманд эканлиги шаҳарда кенг тарқалди. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг раҳбарлари унинг ҳузурига келиб, ўз боғларига богбон бўлиб боришга бир неча бор таклиф қилишди. «Ралаба» боғининг вакиллари ҳам шундай таклиф билан Исоқжон акага мурожаат қилишди.

— Дарахт бир жойда кўкаришини биз, боғбонлар жуда яхши биламиз,— деди уларга жавобан мийигида кулиб Исоқжон ака.— Шу боғни обод қилишга анча меҳнатим сингди. Энди уни ташлаб кетолмайман. Агар маъқул десангиз, сизларнинг богларингизни ободонлаштиришда ҳш берадиган дўстларим бор. Шуларни хузурингизга йўллайман. Ўзим ҳам ёрдам бериб тураман.

Шундай бўлди. Исоқжон аканинг таклифи билан ўз қўлида кўкаламзорлаштириш ишларини ўрганган, тажрибали кишилар шаҳардаги юқорида номлари таъкидланган боғларга ишга жойлашди. Улар ҳали-ҳали Исоқжон аканинг ҳузурига келиб, туришади, маслаҳатлар олишади.

Пигирма йилдирки, Исоқжон Расулов ўзи севган шу богда ишлаб келмоқда. Олти йилдан буён шу боғнинг агрономи. Тажрибаларини амалда намойиш қилганлиги, боғ чиройига чирой қўшиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганлиги айтилган мақтов сўзларидан бири, албатта. Чунки у агрономлик илмини институтда ўқиб ўрганмаган. ҳаммасини амалда билиб олган, у ота касбини унутмаган. Жўяк олиш, гул пайвандлаш, уларни парваришлашни биринчи марта отаси раҳматлик ўргатган. Ота изидан бориб, кам бўлаётгани йўқ. Богда юрса, гуллар орасида бўлса, сояда дам олса одамларнинг у ишлаётган богда яйраб юришини кўрса бенихтиёр отасини эслайди, ишидан қувониб бахри-дили очилиб кетади.

Ишларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз деган илтимосимизга жавобан у бундай деди:

—Ишларимизни кўриб турибсиз, Роҳат қилиб дам олаётган бўлсангиз, шу-яхшидир. Илгари боғ губерияторга хизмат қилган кичкина боғ эди маданият ва истироҳат боғига айлантирилганлигини биласиз. Боғнинг шунчалик чиройли бўлаётганлигига кўкаламзорлаштирувчи ишчиларимиздан Ойша Ғуломова, Йўлдош Усмоновлар катта ҳисса қўшишяпти.

Шундан сўнг Исоқжон ака бу йил қандай қилиб давлатнинг беш-олти минг сўм пули тежаб қолинганлигини айтиб берди. Педагогика институтининг студентлари, мактаб ўқувчилари ва лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари кўмагида боғни янги мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ишлар амалга оширилди.

Шу боғда сайр қилганингизда, унинг богбонлари шаънига кўнглингиздан минатдорчилик изҳор қиласиз. Бу Исоқжон Расулов ва унинг ёнида ишлаётган сердаҳоват қишилар меҳнатига берган баҳонгиздир.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.



Тошкентдаги 20-поликлиника шифокорлари аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган ва коммунистик меҳнат коллективи номини олган илғор коллективдир.

СУРАТДА: поликлиниканинг физиотерапия кабинетида беморни УВЧ аппарати билан даволаш.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

МХР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Монголия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари СССР ҳукуматининг 1969 йил 13 июнь баёнотини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Бу Баёнотда Совет ҳукуматининг яхши ниятлари ва Совет-Хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштиришга астойдил интилаётганлиги яна бир марта изҳор қилинди.

Совет ҳукуматининг Баёноти Совет-Хитой чегараларн масалаларига тўла равшанлик киритиб, Хитой раҳбарларининг территория ҳақидаги даъволари асоссиз эканлигини тарихий фактлар билан аққол исботлаб беради. Хитой раҳбарлари буюк давлатчилик, экспансиячилик интилишларини кўзлаб ҳатто жаҳонда биринчи социалистик давлатга қарши қуролли нгвогарликлар уюштиришдан ҳам қайтмаётир.

Хитой маъмурларининг Совет Иттифоқига қарши ҳозирда ҳам давом эттираётган нгвогарлик ҳаракатлари низоли масалаларни ҳал этишга, жумладан, чегарада нормал вазиятнинг вужудга келтирилишига ёрдам бера олмайди.

Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, Хитой ҳукуматининг советларга қарши ўтказиб келаётган снёсати ва Совет Иттифоқига қарши душманлик ҳаракатлари СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар доирасидан аллақачоноқ чиқиб кетди ва Хитойга қўшни бўлган мамлакатларга, шу жумладан Монголия Халқ Республикасига нисбатан катта хавф тугдирмоқда. Хитой бу мамлакатларга доим снёсий, иқтисодий ва идеологик жиҳатдан тазйиқ кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги чегара қариб 5 минг километрга чўзилиб кетганлиги сабабли ҳам биз бу вокеаларнинг томошабини бўлиб қололмаймиз.

Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати Совет ҳукуматининг Баёнотини тамомила қўллаб-қувватлайди. Бу Баёнот Совет ҳукуматининг Совет-Хитой чегарасидаги аҳволни тинч воситалар ёрдамида тезроқ нормаллаштиришга қаратилган изчил, тинчликсевар ташқи снёсатини ёркин акс эттиради.

Монголия Халқ Республикаси ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, уни Хитой Халқ Республикаси билан СССР ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада чигаллаштираоладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан тийилиб туришга чақиради ва ХХР ҳукумати, дейилади Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг баёнотида, Совет ҳукуматининг ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, тинчлик ва социализм ишини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб қилган оқилона таклифларига тегишлича эътибор беради, деб умид қилади. (ТАСС).

ХАРИДОР ВА ХЎЖАЙИН

Америкалик бирон-бир уй бекаси дўконга кирар экан, эски пакетдаги қимматлашган, янги баҳони кўриб, хайрон қолганча уф тортади.

Холис бўлиш учун айтиб қўйишимиз керак, АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини ошириш техникаси аъло даражада таъминланган. Янги баҳо эткетkалари ўз вақтида чиқарилиб туради. Кутилар, пакет ва банкалардаги баҳони белгиловчи печатлар жуда қулай ясалган. Ундаги рақамларни осонгина ўзгартиш мумкин. Хатто қаҳва, бутерброд, сут, сигарета, қайнатма шўрва: почта маркалари сотувчи автоматлар ҳам нархнавонинг ўсишига ўз вақтида жавоб бериб туради. Металл органнзмлар бу соҳада ҳеч адашмай, тўхтовсиз ишлайверади.

Фақат америкалик уй бекасининг организми бу нарсага дарров мослаша қолмайди.

Сотувчи учун энг муҳим нарсалардан бири харидорнинг кайфиятидир. Озиқ-овқат маҳсулотларини компаниялари шу нарсани эътиборга олиб, одатдагидан ўзгачароқ, оғир ботмайдиган усулни қўллашга интилади. Нарх-навони ошириш-нинг нима кераги бор? Яхшиси пакетлардаги маҳсулотни бироз камайтириш керак!

Яқинда умуммиллий текшириш натижалари кўриб чиқилди. «Вашингтон пост» газетасининг маълум қилишича, пакет ва бошқа идишларга солиб савдо қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий 600 хили мўлжалдагидан камроқ қилиб дўконларга чиқарилар экан. Уларнинг баҳоси эса аксарият ҳолларда ўзгартирилмай қолган.

Пулни асоссиз равишда ошириб олиш натижасида ҳозир харидор ўзи бехабар равишда ўша маҳсулотларнинг ҳар бирига 1964 йилда бўлганидек ўртача 12, 70 доллар ўрнига 14, 20 доллар тўлаётган экан.

Лекин энди у ух тортмайди. Кайфияти ҳам яхшилигича қолаверади.

Г. БОРОВИК,
АПН махсус мухбири.
Нью-Йорк.



МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

Чавандозлик ҳар бир монгол чорвадорининг характерли касбидир. Шунинг учун ҳам бу ерда монгол халқининг «Чавандоз бўлмагунча чорвадор бўлолмайсан» деган мақолини эслатиш ўринлидир.

СУРАТДА: монгол чавандози.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

ПРАГА, 17 июнь. Чехословакия-Совет дўстлиги союзи Словакия Марказий Комитети, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Словакия Компартияси Марказий Комитети апрель ҳамда май пленумларининг қарорлари асосида союзнинг вазифаларини муҳокама қилди.

Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: мажлис қатнашчилари Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретари Г. Гусакнинг Москвада коммунистик ва ишчи партиялар Кенгашида сўзлаган нутқини тамомила қўллаб-қувватладилар.

Словакия Марказий Комитетининг секретари Г. Чех доклад қилиб, бундай деди: Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети сўнгги пленумининг коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини тиклаш ва Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг қардош коммунистик партиялари билан муносабатларни ривожлантириш зарур эканлиги тўғрисида чиқарган хулосалари союзнинг фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Докладчи союз Чехословак-Совет дўстлигини янада ривожлантириш учун амалга оширмоқчи бўлган тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтди. У Словакияда союз ташкилотларининг сони ортганлигини қайд қилди.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ТАНТАНАСИ

Жаҳон матбуоти коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро Кенгаши ишн якунларини шарҳламоқда. Социалистик мамлакатлар ҳамда бошқа давлатлар кардош партияларининг газеталари Кенгашни коммунистик ҳаракат жипслигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларн асосида мустаҳкамлаш йўлидаги янги босқич сифатида таърифламоқдалар.

«Интернационализм тантанасн», «Ленин таълимоти қудратли, чунки у ҳаққонийдир»— ГДР матбуоти кенгаш материалларини ана шундай сарлавҳалар билан босиб чиқарди.

Болгариянинг «Отечествен фронт» газетаси Кенгашнинг катта муваффақиятини қайд этиб, асосий ҳужжатда ҳозирги давр, империализм, прогрессив кучлар марксча-ленинча чуқур анализ қилинганлигини ва бу ҳужжат келгуси тараққиётнинг аниқ прогнозини кўрсатиб берганлигини таъкидлайди.

«Морнинг стар» Лондон газетаси кенгашнинг асосий ҳужжатини реакция ва уруш кучларига қарши курашда коммунистларга ва бошқа барча антиимпериалистик кучларга чақирик деб атади. Газета жумладан, ҳужжатнинг «Жаҳон социализм системаси антиимпериалистик курашда ҳал қилувчи кучдир», шунингдек «Коммунистик ва ишчи партияларнинг жипслашуви барча антиимпериалистик кучларни бирлаштиришнинг муҳим факторидир» деган жойларини бўртгириб кўрсатади.

Гарбнинг реакцион матбуоти ўз рашлигини яшире олмайди. Кенгашнинг ўтишини эътибор билан кузатиб турган буржуазия газеталари коммунистлар форуми муваффақиятини тан олишга мажбур бўлмоқда.

(ТАСС).

ВАРТА УСТИДАГИ БАЙРОҚЛАР

Варта бўйларига иссиқ ёз келди. Майин шабада Познань кўчаларида гир-гир эсиб, гуллаётган оқ акация баргларини шитирлатади. Юқорида, осмонда эса халқаро Познань ярмаркасида қатнашаётган ўнлаб давлатларнинг турли рангдаги байроқлари ҳилпирайди. Бу ерда лоларанг Совет байроғи 19-марта ҳилпираяпти.

Савдо шаҳри жуда гавжум. Муҳим шартномалар ва савдо битимлари ҳақида радиодан эшитиш, матбуотдан ўқиш мумкин. Познанда Польшанинг турли бурчакларидан ва қўшни мамлакатлардан келган меҳмонлар ярмарка майдонларини тўлдиришди. Павильонларда миллий музика ва халқ қўшиқлари янграйди. Совет павильонининг матбуот марказига дам-бадам ўқувчилар кириб, рус тилида В. И. Ленин тасвирланган значоклардан сўрайдилар. «Ленин», «Москва», «Дўстлик» сўзларини ҳар қадамда эшитиш мумкин.

Познанда халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги самарасини ойнадагидек кўриш мумкин. Кўргазманинг 128 минг квадрат метр майдонига юз мингдан ортиқ номдаги саноат буюмлари намуналари қўйилган. Фақат Совет Иттифоқининг ўзи 6 минг экспонат— турли хил машиналар, станоклар, халаро бозорда ҳаридорн кўп бўлган электро техника саноати буюмлари ва бошқа товарларни намойиш қилишти. Ҳамма павильонларда ҳам машиналар турли иус ҳадаги станоклар экспонатларининг асосий қисмини ташкил этади. Фақат Америка павильонидагина асосий экспонатлар ўраш материаллари ва реклама фильмларидан иборат.

Кўргазма майдонининг қариб ярмини эгаллаган Польша экспозицияси кўзни қувонтиради. Бу ерда жуда хилма-хил саноат буюмлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор. Машиналар ва асбоб-ускуналар, металлни ишловчи йирик станоклардан тортиб, юқори аниқликдаги ўлчов аппаратларигача бор. Енгил ва озиқ-овқат саноати буюмлари диққатни тортади. Дунё иқтисодий харитасида ҳар бир мамлакатнинг ўрни унинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми билан ўлчанади. Польша чинакам иқтисодий гуллаш жараёнини бошдан кечирянти, у юқори даражада индустрлашган мамлакат саналади. Республика станоклар, дарё ҳамда денгиз кемалари, электр асбоблари, электр машиналар ва аппаратлар, темир йўл составларини экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Мамлакат экспортида комплектлашган саноат объектлари — қанд, цемент ва ҳимия заводлари катта ўринни эгаллайди. Илгари республика буларнинг ҳаммасини чет эллан кўмир ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига алмаштириб олиб келарди.

Бу мўл-кўл экспонатларга қараб турнб, яқингинада ҳам вайронадан иборат бўлган мамлакат чорак аср мобайнида Польша давлатининг минг йиллик тарихи билмаган индустриал сакраш қилганлигига ишонгинг келмайди.

Яна бир ойдан кейин ПХР халқ ҳокимиятининг 25 йиллигини нишонлайди. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар ва қишлоқлар байрам либосига ўраланти. Қизил Байроқ билан ёнма-ён турган оқ-қизил давлат байроғини фақат ярмаркадагина эмас, ҳамма жойда — ҳар бир уйда ва магазинда, фабрика ва заводларнинг пештоқларида кўриш мумкин. 25 рақами — бугун мамлакатда жуда оммалашиб кетди.

Б. ЖИРНОВ,
АПН махсус мухбири.
Познань



— Каравотнинг тагини қараб кўринглар. Уйда ҳамиша каравотнинг тагига бекиниб олгучи эди,— деб қолди бир пайт бақалоқ одам.

Уйнинг эгаси унинг айтганини қилиб энди энгашган эди ҳамки тепадан бир нарса тарақ этиб бошига тушди. Ҳайрият, калид экан. Шу заҳотиёқ шкаф тепасидан бир бола ўзини каравотга отди.

— Ана, айтмадимми бу ўшанинг қилиғи деб. Ақли кўп-да, нуқул шўхлик қилади.

Ота суйган безори ўша куни ҳамманинг жонига тегди...

Иккинчи бир воқеанинг қаҳрамони — донишмандлик мактабини ўтаётган бола.

Ўша куни меҳмонда бир бола билан танишдим. Кўзойнак тақиб олган чувакkина бир бола экан. Қўл бериб сўрашдик. Исмини сўрасам, ғинг демади. Ҳам кўздан, ҳам қулоқдан олган бўлса керак, деб ўйладим. Баландроқ овоз билан саволни қайтардим. Худди нозик масалани ечиб бераётган одамдай ўйланиб қолди, анчадан кейин зўрға исмини айтди. Мен нечанчи синфда ўқишини сўрадим. Бу гал ҳам роса ўйлаб кейин жавоб берди. Узича бирор гап айтмайди-ю, лекин савол берсанг, жавоб олгунча хуноб бўлиб кетасан. Бир пас гаплашиб, юрагим сиқилиб кетди, ёнидан секин жилвордим.

— Бу боланг овсарга ўхшаб ди,— дедим мени бу ерга олиб келган қариндошимга.

Қариндошим кулиб юборди.

— Бу нима деганинг. Ахир отаси уни донишманд қилмоқчи-ку?

Гапга унинг ўртоғи аралашди.

— Мактабда уни ҳамма кичик донишманд, деб чақиради.

— Ия, исмини сўрасанг, анқайиб туради-ю, бу қанақа донишманд бўлди?

— Ҳамма гап шунда эмиш. Донишмандлар сукут сақлаб туриши керак экан. Отаси айтибди. Биров исминг нима деб сўрасаям дарҳол жавоб берма, пича ўйлаб ол, донолар «Олдин ўйла, кейин сўйла» дейишган, деб уқтирибди.

Қизлар бу кичкина донишмандни менга роса таърифлаб беришди. Айтишларича, унинг отаси анча бамаъни одам эмиш. Кўп йил заҳмат чекиб, дунёда ўтган жамики донишмандларнинг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқибди. Шундан кейин унда донишманд боланинг отаси бўлиш ҳаваси уйғонибди. Узоқ йиллик тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, кўп донишмандлар оталари қартайиб қолганда дунёга келган эканлар. Ўйлаб қўйган ниятини амалга ошириш учун у ҳам сочига оқ тушиб, ёши анчага бориб қолгандан кейин уйланибди.

—Бу гапларни сизга ким айтди? Донишмандининг ўзими?— ҳайрон бўлиб сўрадим.

Маълум бўлишича бундан бутун маҳалла хабардор экан. Буни қизлар катталардан эшитишибди.

Бўлғуси донишмандниng отаси уйланишга уйланибди-ю, лекин анча вақт фарзанд кўролмай юрибди. Бояқиш донишмандниng отаси деб ном чиқариш иштиёқида керагидан ортиқ қариб қолган эканми, хуллас, фарзанд ҳасратида кўп куюниб юрибди. Охири кунлардан бирида хотини бош қоронғи бўлганини айтибди. Энди у: «Ишқилиб бола зайфа туғилсин» деб илтижо қиладиган бўлибди. Нега деганда аксарият донишмандлар нимжон чақалоқлардан етишиб чиққан экан. Хотинниng кўзи ёрибди. Тилаб олган чақалоғи шунақаям нимжон эканки, унинг тирик қолишига ҳеч кимниng кўзи етмабди. Ҳайтовур, бола ўлмай қопти. Қадим замонларда бир донишманд шоир ўтган экан. Қалин бир китобда нақл этилишича, ўша зукко шоир жуда ёшлигида она сутидан маҳрум бўлган экан. Донишманд боланинг отаси шу китобни топиб ўқигач, бир ойлик чақалоқни она кўкрагидан ажратиб олибди. Бола бир ёшида беланчакдан йиқилиб, кўзи шикастланган экан, отаси бағоят хурсанд бўлибди. Сабаби — алла-қайси бир донишманд ҳам ғилай ўтган экан. Энди унинг ягона тилаги қолибди. Ишқилиб ўғлимниng бўйи ўсмасин, деб оҳ-зор чекиб юрганмиш. Зотан унинг билишича, донишманд халқи аксарият паст бўйли бўлар экан.

Шу гаплардан кейин мен бу бола нима учун ўзининг исминиям дарров айтиб беролмаслигига тушундим. Назаримда у сукут сақлаб жавоб беришдан кўра кўпроқ отини эслашга ҳаракат қиладиганга ўхшайди.

Ҳикмат мактабга келмай қўйганини эшитиб, қаттиқ ҳафа бўлдим. Бечора қизнинг аҳволи нима кечдийкин?

Кеча мактабда бизни эмлаб кетишди. Шунинг учун бугун дарсга бормадим. Ҳозир хатни қутига ташлаб келаман. Кейин арифметикага ўтираман. Уқитувчимиз уйга анча вазифа берган эди. Чап қўлим роса оғрияпти. Ҳатто қимирлатолмайман.

Омон бўл, Зайнаб. Сенга ҳамиша муваффақият тилайман.

Аҳмад ТАРБАЙ.

ТОМА-ТОМА СЕЛ БЎЛУР

Қардошим Аҳмад.

Тунов куни хатингни, ундан бир кун олдин эса янги йил табригингни олдим. Ҳар иккиси учун кўп раҳмат. Янги йилдан бир кун олдин мен ҳам сенга табрик хати юборган эдим. Ҳар ҳолда бориб етган бўлса керак. Лекин сен табрикни жуда боплабсан. Расмларинг бирам чиройли чиқибдики, Менинг эсимга ҳам келмовди бу нарса. Келганидаям барибир сенчалик чизолмасдим. Расмларингни синфдаги болаларга кўрсатдим. Ҳамма қойил қолди.

Янги йилнинг биринчи куни бизнинг уйда янги йил кечасидан ҳам завқли бўлди. Бошидан гапириб берсам ҳам арзийди.

Дадам билан ойим режа билан, тежаб-тергаб рўзғор қиладиган одамлар. Аммо бу зиқналик эмас. Уларнинг мақсади — кўпгага қараб оёқ узатиш. Шунинг учун ҳар нарсани авайлаш, ортиқча чиқимга йўл қўймаслик керак, деб бизга насиҳат қилишади. Мабодо столда авторучкам қолиб кетгудай бўлса дадам:

—Авторучкани очиқ ташлаб кетма, сиёҳи қуриб қолади. Ерга тушса пероси синади. Кейин янгисини олишга тўғри келади. Чиқим кўпаяди. Одам деган ҳар нарсада тежоғли бўлиши керак, — деб қулоғимга қияди.

Укам дафтарнинг бир томонига ёзиб иккинчисини бўш қолдирса ёки бир-икки бетини ташлаб кетса, ўша куни ойимдан роса ғаш эшитади.

— Бунақа зараркунанда бўлма, ўғлим. Ахир тома-тома кўл бўлур деган гап бор. Ҳар куни бир бетдан қолдириб кетаверсанг, бир йилда қалин бир дафтар бўлади-я. Шундай оппоқ дафтарни ташлагани қандоқ кўзинг қияди?

Метин жуда кўп қалам йўқотади.

— Қалам сотиб олавериш жонимга тегди, нуқул йўқотганинг йўқотган-а, — деб ноғлиб қолади ойим.

Тўғри, тежоғлик иш бежоғлик деган гап бор. Аммо ҳад дан ошиб кетса ҳам бўлмас экан. Айниқса бувимниng гапи жон-жонимдан ўтиб кетади. Икки гапнинг бирида у киши:

—Сақласанг минг кунлик, сақламасанг бир кунлик, деганлар, отин қизим. Томатома кўл бўлур, дейишади ахир, — деб насиҳат ўқийдилар.

Бир куни бувамиз укам икковимизга пул йиғадиган қутича олиб келдилар.

— Шу нарса эсингизда бўлсинки, оз-оздан кўп бўлади. Ота-боболаримиз тома-тома кўл бўлур, деб айтишган. Қани, тома-тома нима бўларкан?

Бувамниng одати шу: нуқул бир нима деса дарров қайтариб сўрайди.

— Кўл бўларкан, бува.

— Ҳа, баракалла, гап деган бундоқ бўпти.

Шу мақолни эшитсам кўнглим айнийдиган бўлиб қолди. Худониng берган куни уни минг марталаб такрорлашади.

Янги йил кечаси ойим билан дадам казинога борадиган бўлишди. Илгарилари янги йилни ҳаммамиз уйда бирга кутиб олардик, бу йил сал бошқачароқ бўлди.

Дадамниng ўртоқлари казинодан илгарироқ жой олиб қўйишган экан, кечга яқин кетишди. Лекин дадам анъанани бузмади. Ҳаммамиз бир дастурхонда ўтириб овқат қилдик, роса ўйнаб-кулдик. Улар анчадан кейин туришди. Казиногa опамни ҳам олиб кетишди. Биз бувамгилар билан қолдик. Билган ўйинларимизни ўйнадик. Лото ҳам қилдик. Аммо бувим ҳечам ютолмади. Ўйин пайтида мудраб ўтиргани унга ҳалал берди чамамда.

Ярим кечага яқин ўринга кириб ётдик.

Бир пайт уйғониб қарасам, уй жимжит. Тиқ этган овоз йўқ. Ҳалиям келишмапти-да, деб ўйладим. Анчагача кўзимни очиб ётдим. Қоронғида Метинниng шарпаси кўринди.

— Буларга нима бўлган ўзи? — деди у, олдимга келиб.

— Ҳа, нима қипти?

— Бу ёққа юр, кўрасан.

Ўрнимдан туриб, нариги хонага чиқдим. Бувам билан бувим кетиб қолишган экан. Бундоқ қарасам, опам диванда уст кийими билан чўзилиб ётибди. Бўйнида ранг-баранг қоғоз тасмалар. Ердаги гиламда ағнаб ётган дадам юзига маска тақиб олибди. Қоғоз шапкани бошига эмас, оёғига кийибди. Фақатгина ойим жойига бориб ётган экан. Аммо кийимлари сочилиб ётибди. Бир пой пайпоғини коридорда, иккинчисини ёнида кўрдим.

Ойимниng устини ёпиб қўйдим. Опамни аранг турғизиб, жойига ётқиздик. Лекин дадамни уйғотиб бўлмади.

Вақт пешиндан оғиб қолган эди, улар сал қимирлаб қолишди. Энг аввал ойим ўзига келди. Кейин у дадамни уйғотди. Охири опам ўрнидан турди. Бўйнидаги маржонни йўқмиш. Ҳеч қаердан топилмади. Кечаси бирор ерда йўқотганга ўхшайди.

Гап-сўздан билдимки, казинода ойим билан дадам омадларини синаб кўрмоқчи бўлишибди. Талай пул ютқазишибди.

— Ойниng охиригача нима еймиз энди? — ташвишланиб сўради ойим.

— Идорадан қарз сўрайман, бошқа илож йўқ, — жавоб берди дадам.


Салдан кейин бувам билан бувим кириб келишди.

(Давоми бор).

(ДАВОМИ. Боши газетаниng ўтган сонларида).

Олтин очколар

Олий лигадаги командалар кучли етиликка кириш учун бор имкониятини ишга солмоқдалар. Уларнинг ҳар бири бор-йўғи 4-5 тадан ўйин ўтказиши керак. Ана шундан сўнг командаларниng сараккa, пучаги пучаккa айланади. Ғалвир сувдан кўтарилиб, ҳар иккигруппадаги кучли 14 коллектив аниқланади. Улар ўртасида олтин, кумуш, бронза медаллари учун кураш қанчалик кескин тус олса, қолган 6 коллектив ўртасида «ҳаёт мамот жанги» — кучлилар сафида қолиш учун бўладиган мусобақалар шунчалик оғир бўлади. Шу боисдан бўлса керак, командаларниng ҳозирги кундаги ўйинлари ғоят кескин бўлмоқда. Чунки, ҳозир ҳар бир очко олтинга тенгдир. Буни ўтган галги тур ўйинлари яна бир бор исботлади. Бунга мисол қилиб Луганск шаҳрида бўлган ўйинни келтириш мумкин. Мусобақа жадвалининг охиридаги келаётган «Заря» футболчилари кучли рақиблари — Ростов армиячиларини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, хавфли зонадан чиқиб олишди. «Арарат» эса «Крилья Советов»дан 2 очко тортиб олди. «Уралмаш» Боку шаҳрида «Нефтчи»га қарши майдонга тушиб енгилди. Бу мағлубият свердловскликларни 9-ўринга тушириб қўйди. Иккинчи группадаги аҳвол ҳам мураккаблашиб боряпти. «Зенит» устидан ғалаба қозонган «Пахтакор» 5-ўринга кўтарилди, «Шахтер» эса Олмаотада ўйнаб, 1 очко олди.



ФУТБОЛ — БУ КУРАШ.
Н. Надеждин фотоси.

Хуллас, иккала группадаги аҳволдан шу нарса аёнки, командаларниng кучлари тенг келяпти. Улар ўртасидаги очколар фарқи жуда кам. Шу сабабли ҳар бир ўйин турнир жадвалига катта ўзгаришларни кири т и ш и шубҳасиздир. Бугун ўтказиладиган ўйинлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Иттифоқимизниng 9 та шаҳрида футбол мусобақалари бўлади. Тошкентниng «Пахтакор» командаси турнир жадвалининг охирида ўрнашиб қолган Москва темир йўлчиларини қабул қилади. Бугунги ўйинда командамизга ғалаба сув билан ҳаводек зарур!

Ўтган турда В. И. Ленин номидаги марказий стадионда ажойиб футбол спектаклини кўрсатган киевликлар бугун ўз майдонида «Уралмаш»ни қабул қилишади. Москва динамочилари ҳузурига эса луганскликлар меҳмон бўлиб келишди. Ростов армиячилари Бокуда маҳаллий «Нефтчи»га қарши майдонга тушади. «Арарат» эса Москва армиячилари билан беллашади.

Тбилиси динамочилари ҳам сафарга чиққанлар. Сафардаги «Локомотив» билан бўлган ўйинда 2 очко олган грузин футболчилари бугун «Шахтер»ниng меҳмони бўлишади: Маълумки, биринчи даврада кончилар Тбилисида мағлубиятга учраган эди. Ана шу боисдан Донецк шаҳрида бўладиган ўйиннинг кескин ўтишига сабаб бор. Кутаиси автозаводчилари ўтган турда москвалик клубдошларидан енгилишган эди. Уларниng турнир жадвалидаги аҳволи бугунги ўйинни яхши ўтказишларига ундаяпти. «Торпедо» Минскниng «Динамо» коллективидан неча очко олишини ўйин кўрсатади. «Зенит» коллективиниng аҳволи анча оғирлашиб қолди. Ленинградликлар турнир жадвалининг 9-ўринда 10 очко билан бормоқдалар. Бунинг устига улар сафарда юришибди. «Қайрат» командаси ҳам осонликча унга очко бермайди. Чунки, қозоқ футболчиларниng ҳам аҳволи жудаям яхши эмас.

Хуллас, ҳар бир команда олтин очколар учун курашни ғоят кескинлаштириб юборяпти.

Ҳозирча турнир жадвали қуйидагича

БИРИНЧИ ГРУППА

	У	Ю	Д	М	тўплар	О
1. «Динамо» (К)	13	7	6	0	14—3	20
2. ЦСКА	13	6	4	3	9—5	16
3. СКА (РД)	13	6	2	5	17—16	14
4. «Нефтчи»	13	4	5	4	11—12	13
5. «Динамо» (М)	13	5	3	5	12—13	13
6. «Арарат»	14	5	3	6	14—19	13
7. «Заря»	13	5	2	6	14—11	12
8. «Черноморец»	13	4	4	5	9—11	12
9. «Уралмаш»	14	4	4	6	8—11	12
10. «Кр. Советов»	13	2	3	8	10—17	7

ИККИНЧИ ГРУППА

	У	Ю	Д	М	тўплар	О
1. «Спартак»	13	9	3	1	18—7	21
2. «Динамо» (ТБ.)	13	7	6	0	18—4	20
3. «Торпедо» (М)	13	4	6	3	12—9	14
4. «Шахтёр»	14	4	6	4	14—15	14
5. «Пахтакор»	14	6	1	7	13—18	13
6. «Торпедо» (КТ.)	13	5	2	6	14—17	12
7. «Қайрат»	13	2	7	4	9—10	11
8. «Динамо» (МН).	13	4	3	6	10—15	11
9. «Зенит»	13	3	4	6	10—13	10
10. «Локомотив»	13	1	4	8	10—20	6

Эслатма: «Торпедо» (Москва)нинг «Спартак» билан кечаги учрашув натижаси қайд қилинмаган.

ЖАНЖАЛ ОҚИБАТИ

СУД ЗАЛИДАН

Яқинда Ҳамза район халқ судида бир безори қотилнинг жиноий иши кўрилди.

Суд зали одамлар билан лиқ тўлган. Ҳамманинг диққат эътибори қора столда ёши йигирма бешлар чамаси, важоҳати хунук бир аёлга қаратилган. Судья ўрнидан туриб судланувчининг таржимаи ҳоли ва қотиллиги билан таништирди:

Судланувчи Галина Петрушева 1945 йили Вологда шаҳрида туғилди. У ёшлигидан эрка ва тантиқ бўлиб ўсди. Балоғатга етгач, онасининг гапига қулоқ солмай юрди. Баъзан уйига нелмаган кунлари ҳам бўлди. Галина ўн беш ёшидан бошлаб на онла, на мактаб маъмурият.га қулоқ солган. Натижада хулқи бузилиб, безорилик йўлига кириб кетган.

Галина 1967 йили Тошкентга келиб, Чизелная кўчаси, 57-уйда яшовчи Борис Попов билан танишади. Орадан кўп ўтмай унга турмушга чиқади. Бироқ, оила қурган куниниng эртасиданоқ уларниng орасидан ола мушук ўтиб, бирор кун ҳам тотув яшашмаган.

Шу йил 8 февралда Борис ўйидан чиқиб кетади. 9 февралда келади. Борис билан Галина ўртасида одатдаги жанжал бошланади. Борис электр иситгични Галинага отади. Бунга чап берган Галина чақчонлик билан Борисни итариб юбориб йиқитади-ю, сочиқни унинг бўйнига ўрайди. Орадан кўп ўтмай Борис жон беради. Галина бу даҳшатли воқеани дарҳол қўшниларига маълум қилиб, ўзи ички ишлар бўлимига бориб бўлган воқеани сўзлаб беради...

Халқ суди Галина Петрушеванинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни 6 йил озодликдан маҳрум қилди. Судда қатнашган кишилар одил ҳукмни тўла қўллаб-қувватлашди.

Р. ХУЖАМОВ,
А. НОРҚУЛОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

20 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (Ўзбекча). 18.15 «Актуал проблемалар» (Москва) 19.20 Радио эшитувчиларниng талабларига мувофиқ концерт (татарча) 20.00 ФУТБОЛ. «ПАХТАКОР — «ЛОКОМОТИВ» (Москва). «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади) 20.45 «Ўзбекистон индустриал» радиожурнали. 21.15 Дала меҳнаткашларниng талабларини ижро этамиз. 22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Асқар Ўбайдуллаев ижросида қўшиқлар. 22.40 Ўзбекистон ёзувчиларниng янги асарлари (Ўзбекча). 23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Республика композиторлари яратган ишлаган халқ куйлари 19.30 «В Бокон шеърлари билан» ай тиладиган қўшиқлар» деган музикали эшиттириш (русча) 20.00 Далада ишлаётганлар сизлар учун концерт (тожикча) 20.30 Увертюралар 20.50 «Қизилқум яйловларида» деган эшиттириш (русча). 21.00 Курашаётган Вьетнам адабиёти (Ўзбекча) 21.40 Концерт (русча)

21 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Лирик қўшиқлар. 8.25 Б. Зокиров ва М. Шамаева ижросида қўшиқлар. 9.30 Б. Гиенко. «Мирзачўл» симфоник поэмаси. 10.30 Шўх концерт. 11.15 «ДУГОНАЛАР» радио журнали. 12.15 Радио эшитувчиларниng талабларига мувофиқ концерт. 13.30 «Бу қўшиқларни эслайлик» (русча). 15.10 «Правда» газетасининг обзори. 15.20 «Сиҳатсаломатлик» радиожурнали (Ўзбекча). 15.40 Танбур таронадари. 16.10 Халқ талантлари концерти (Ўзбекча). 17.20 Ўйғур куйлари. 17.50 «Партия ҳодими минбари». Денов район партия комитетиниng секретари Р. Ҳақназарованиниг «Ёш авлодни тарбия қилишниng таъсирчан формаси» деган сўзи (Ўзбекча).

18.00 Туроб Тўла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 18.40 Спорт эшиттириши (Ўзбекча). 19.20 М. Ашрафий операларидан парчалар. 20.00 «ЛЕНИННОМА» программаси (Ўзбекча). 20.30 С. Юдаков «Менинг Ватаним» кантатаси. 21.00 «Қардош социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш. 21.10 «Қишлоқ радиоклубида» деган музикали эшиттириш (Ўзбекча) 22.20 «Навоий Астрободда» музикали драмасининг монтажи.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Вокал ансамбларниng концерти. 9.15 Спорт эшиттириши (русча). 19.00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). 19.30 В. Карпов. «Урушдан кейинги ҳикояси (русча). 20.00 «Шашмақом»дан парчалар. 20.30 Озарбайжон куйлари. 20.50 «Проблемалар, тадқиқотлар. Ўйлар (русча). 21.00 «Пойтахтимиз меҳмонлари» деган эшиттириш. 21.40 А. Муротовниng «Продали кишилар» деган очерки (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 И. Кальман. «Сильва» операттасининг монтажи. 16.30 Г. Жағаров. «Прокурор» радиоспектакли (русча). 18.00 «ДУГОНАЛАР» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

20 ИЮНЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.20 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник» программаси. 19.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «ЛОКОМОТИВ» (Москва). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. Ўзбек тилида: 20.45 Телевизион янгиликлар. 21.00 Ота-оналар университети. 21.40 Ҳосил таҳдирини шу кунларда ҳал қилишади. 22.00 «БЎСТОН» тележурнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

Кўрсатишлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча порлайди». 21.00 «Мард ҳикоялар Телеочерк. 21.30 Халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. 22.00 «Иван Макарович». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар эстафетаси. 00.15 Балет артистларниng Москвадаги халқаро конкурси. 01.15 «Узоқ йўллар чорлайди». Туристик альманах. 01.45 Эстрада концерти. 02.45 Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. 03.00 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Оддий фашизм». Ҳужжатли фильм. Рус тилида: 22.10 «Киевлик қиз». Бадиий фильмниng иккинчи серияси.

21 ИЮНЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси. Ўзбек тилида: 10.00 «Мўъжизалар маскани». Цирк томошалари. 10.35 «Женя, Женечка ва Катюша» Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. 12.45 Янгиликлар. 13.00 «Бахтиёр бўлинг». Музикали дам олиш программаси. 13.30 Хўжалик ислоҳоти — амалда. 14.00 Рақс ҳаёти 15.00 «Билим». Илмий-оммабоп программа.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатишлар программаси. 17.00 Рус тилида телевизион янгиликлар. 17.10 Болалар учун мультфильм. Ўзбек тилида: 17.25 Ўсмирлар учун. «Ёш куч» спорт программаси. 18.10 «Оламга саёҳат». Киноэшиттириш. 19.25 Телевизион янгиликлар. 19.40 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлниng кўзи».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.30 Қишлоқ клуби. 21.30 «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильмниng тўртинчи серияси. 23.00 Социализм дунёси. 23.30 Балет артистларниng Москвадаги халқаро конкурси. 01.00 Эфирда «Молодость» — «Горизонт». 02.00 СССРда Болгария маданият кунлари. «Севимли қўшиқчилар». Н. Гяуров. 03.00 Фақат фактлар. Кўрсатишлар программаси. 03.15 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 Норильск телестудиясининг программаси. 16.45 Янгиликлар. 17.00 Ёш томошабинлар театри. «Катта доира». Телеспектакль премьераси. 18.50 Ранглителевидение программаси «Сибирь диёри қиссаси». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 Дутор тароналари. 21.10 «Агар уйинг қадрли бўлса». Бадиий фильм. 22.40 Музикали календарь (рус тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.00 Янгиликлар. 19.15 Эстрада қўшиқлари фестивали.

Тожик тилида: 20.55 Анна Морозованиng ҳадошлари. 21.15 Талабларга мувофиқ концерт. 22.00 Янгиликлар 22.15 Қувноқ соатда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 21/VI да Севги тумори премьераси.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/VI да Замон драмаси, 22/VI да Мария Стюарт.

КИНО

20 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Учрашув манзили — Женева — «ВОСТОК» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6, 8.40 минутда), «МОСКВА» (кеч 7.20 минутда).

Таниш — билишларимиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун) ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч 8.10 минутда).

Рошфорлик қизлар — «ЧАЙКА» (кечқурун).

Каттолар ўйини — ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Чангда қолган гул — (Ўзбек тилида)— «НАВОИЙ» номли (кечқурун).

Дўппи кийган фариштa — САНЪАТ САРОЙИ.

Уруш — уруш-да — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

Маҳтумқули — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч соат 6 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Таниш — билишларимиз — «ТЕЛЬМАН» номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Учрашув манзили — Женева — «ХИВА».

21 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Дўппи кийган фариштa — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 9.45, 11 ярим, кундуз 1.15 да).

Таниш-билишларимиз — «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кеч 8 ва 10 да).

Учрашув манзили — Женева — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6 ва 8.40 минутда), «МОСКВА» (кундуз 12,2 ярим кеч соат 7.20 да).

Уруш-урушда! «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ». «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да, кундуз 5 ва кеч 9.20 да).

Рошфорлик қизлар — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Чангда қолган гул — ЎЗБЕК ТИЛИДА НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Маҳтумқули — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Анжелика ва қирол — ТЕЛЬМАН НОМЛИ;

Таниш-билишларимиз — «ФЕСТИВАЛЬ»;

Учрашув манзили — Женева — «ХИВА».

ОҒОҲИЙ НОМЛИ ХОРАЗМ ОБЛАСТИ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ

21 ИЮНДА 30 ИЮНГАЧА

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри ёзги биносида бўладиган спектаклларининг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

21 июнда — Вьетнам тонги.
22 июнда — Маҳтумқули.
23 июнда — Катта концерт.
24 июнда — Қайнона.
25 июнда — Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам
26 июнда — Концерт.
27 июнда — Қайнона.
28 июнда — Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам.
29 июнда — Қиз булоқ.
30 июнда — Маҳтумқули.

Томошалар кеч соат 9 да бошланади.

Касса кундуз соат 12 дан ишлайди.

Билетлар сотилмоқда.

ТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек давлат Академик драма театрининг биноси спектакль давомида совуқ ҳаво билан таъминланади (ўртача ҳаракат 18-20 градус).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

20 июнь кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «А» классининг

«ЛОКОМОТИВ» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 20 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари; Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти-нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2782. Р. 06580. Индекс 64579